

---

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИНИНГ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун Қўқон шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро форум доирасида Бирлашган Араб амирликларининг "Emirates NBD" молиявий масалалари бўйича менежери Султан Али Ал Шариф билан учрашди.

Мулоқот давомида ушбу инвесторлар гуруҳи томонидан вилоятимизда логистика марказини ташкил этиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилди.

Вилоят раҳбари жорий йилнинг ноябрь ойида Фарғонада БАА ва вилоятимиз тадбиркорлари иштирокида бизнес-форум ташкил этилаётганини маълум қилиб, мазкур тадбирга таклиф қилди.

"Emirates NBD" MENAT минтақасидаги етакчи банк гуруҳи бўлиб, 13 та давлатда 20 миллиондан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-10-17 23:26:02